БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (952)
13 ОКТЯБРЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

*Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!*

*Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи—коммунизм!*

## Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр—капитализмнинг ҳалокати ва социализмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин!

3. СССРда социализм қурилганлиги — Октябрь революциясининг асосий якунидир. Жаҳонда биринчи социалистик давлат қурган Совет Иттифоқи ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларига, интеллигенциясига шон-шарафлар бўлсин!

4. Октябрь революциясининг йўлбошчиси, мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуришнинг улуғ илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясига шон-шарафлар бўлсин!

5. Марксизм-ленинизм — Октябрь революциясининг ғолибона байроғидир. Марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтарайлик!

6. Яшасин меҳнаткашлар депутатлари Советлари—мамлакатимизда чинакам халқ ҳокимияти органлари! Яшасин социалистик демократия!

7. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини кучайтирингиз, ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенгроқ жалб этингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

8. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари—совет хотин-қизлари!

9. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди—Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

10. Социализмнинг жаҳон системасига айланиши—ҳозирги даврнинг асосий хусусиятидир. Социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг улуғ ҳамкорлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

11. Халқаро пролетариатнинг жанговар бирдамлиги—социализм ишининг енгилмаслик гаровидир! Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

12. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

13. Тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!

14. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Урушнинг олдини олиш мумкин ва лозим! Ҳамма куч янги уруш хавфига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун курашга!

15. Жаҳон халқлари! Қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш учун курашингиз! Атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатишни ва бу қуролларни тақиқлашни талаб қилингиз! Уруш оловини ёқувчиларни фош қилингиз!

16. Яшасин барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар—ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг авангарди, уларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги қардошларча ҳамкорлиги!

17. Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг бирлиги мустаҳкамлансин! Тинчлик, демократия ва халқларнинг мустақиллиги учун курашда коммунистлар, социалистлар ва барча прогрессив кучлар ўртасида ҳамкорлик кенгайсин!

18. Социализм қурувчи улуғ Хитой халқига қардошлик саломи! Яшасин бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи бўлган совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

19. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Янги ҳаёт қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва Вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Яшасин Германия Демократик Республикаси — бутун Германиянинг милитаризмни янгидан вужудга келтиришга қарши, ўз Ватанини тинч, демократик асосда бирлаштириш учун курашаётган тинчликсевар кучларининг таянчи!

Социализм қураётган ГДР меҳнаткашларига қардошлик саломи! Германия Федератив Республикасининг меҳнаткашларига ва барча прогрессив, тинчликсевар кучларига қардошлик саломи!

Герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик Европада тинчлик йўлида мустаҳкамлансин!

24. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Румыния Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Социализм қураётган Чехословакия Республикаси халқларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Социализм қураётган Югославия меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

30. Ўз Ватанининг тараққиёти учун, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик учун курашаётган улуғ ҳинд халқига қардошлик саломи! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

31. Тинчлик учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Индонезия, Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қардошлик саломи!

32. Яшасин бутун дунёда мустаҳкам тинчликнинг гарови—Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

33. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

34. Яшасин Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасидаги халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро ишончи ва ҳурматига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик!

35. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасида дўстлик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

36. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

37. Милитаризмга қарши, ўз мамлакатининг тинч, демократик ва мустақил ривожланиши учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

38. Империалистларнинг янги мустамлакачилик планларига қарши, ўз давлатларининг миллий мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун курашаётган Араб Шарқи халқларига қизғин салом!

39. Империалистик зулмга қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизғин салом!

40. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминловчи сиёсат, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, барча мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

41. Яшасин Ватанимиз хавфсизлигининг посбони, ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли совет Қуролли Кучлари!

42. Яшасин совет тузумининг бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи!

43. Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи—СССР халқларининг қардошлик дўстлиги!

44. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар! Бутун кучимизни партиямиз XX съездининг қарорларини амалга оширишга, коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга сафарбар қилайлик!

45. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олайлик ва улардан ўзиб кетайлик!

46. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Саноат ва қурилишни бошқариш янги системасининг афзалликларидан тўла фойдаланингиз, корхона ва қурилишлардаги резервларни аниқлангиз ва ишга солингиз!

47. Халқ хўжалиги кенгашларининг ходимлари! Саноат ва қурилишга раҳбарликни яхшилангиз, давлат интизомига риоя қилиш ва план топшириқларини бажариш учун, социалистик индустрияни янада зўр куч билан юксалтириш учун курашингиз!

48. Оғир саноат—бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада оширишнинг, Ватанимиз қудрати ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлашнинг негизидир! Оғир индустрия ходимларига шон-шарафлар бўлсин!

49. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилингиз, техникани тараққий эттириш учун ва меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашингиз!

50. Ишчилар, инженерлар, техник ва мастерлар! Янги техникани қунт билан жорий қилингиз! Ишлаб чиқаришнинг ташкил қилинишини яхшилангиз, корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъминлангиз, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз!

51. Совет индустриясининг меҳнаткашлари! Иқтисодий тежаш учун курашингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

52. Совет металлурглари! Ишлаб чиқаришнинг техникасини ва технологиясини такомиллаштирингиз, корхоналарнинг резервларидан тўла фойдаланингиз! Халқ хўжалигига руда, чўян, пўлат, прокат, рангли ва нодир металларни кўпроқ берайлик!

53. Машинасозлик ва асбобсозлик корхоналарининг ходимлари! Ғоят унумли ишлайдиган машина-ускуналар ва приборларнинг янги турларини тезроқ яратингиз ва ўзлаштирингиз, халқ хўжалигини илғор техника билан қуроллантириш учун қунт билан курашингиз!

54. Ёқилғи саноатининг ходимлари! Ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз! Мамлакатга кўмир, нефть ва газни кўпроқ берайлик!

55. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр қуввати берайлик!

56. Химия саноатининг ходимлари! Янги технология процессларини жорий қилингиз, химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг хилларини оширингиз!

57. Совет бинокорлари! Янги саноат корхоналарини, уй-жой биноларини, касалхоналарни, мактабларни ва бошқа маданий-маиший муассасаларнинг биноларини қуриш суръатларини тезлатингиз ва сифатини яхшилангиз!

Партия ва Ҳукуматнинг уй-жой қурилиши соҳасида белгилаган буюк программасини бажарайлик!

58. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Мамлакатга ёғоч ва тахталарни, юқори сифатли мебель ва қоғозни кўпроқ берайлик!

59. Енгил саноат ходимлари! Аҳоли учун сифатли ва чиройлик газламаларни, яхши кийим-кечакларни, пишиқ ва нафис пойафзал ҳамда бошқа товарларни кўпроқ берайлик!

60. Озиқ-овқат товарлари саноати ходимлари! Аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кенгайтирингиз ва уларнинг сифатини яхшилангиз!

61. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

62. Совет транспорти ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташиб беришни таъминлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Янги техникани қунт билан жорий қилингиз!

63. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Ватанга дон, гўшт, сут, пахта, жун, зиғир, лавлаги, картошка, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

64. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Дон хўжалигини янада юксалтириш учун курашингиз!

65. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йилларда Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик!

66. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлангиз ва қўриқ ерларни янада ўзлаштириш учун курашингиз, дон экинларидан юқори ва муттасил ҳосил олинишига эришингиз, чорвачиликни ривожлантирингиз!

67. Савдо ва умумий овқатланиш ходимлари! Хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини тўла қондирингиз!

68. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет аппаратининг ишини яхшилангиз! Бюрократизмни ва сансалорликни қатъий равишда тугатингиз! Меҳнаткашларнинг талабларига ва эҳтиёжларига ғамхўрлик билан қарангиз!

69. Совет фани ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Техникани тараққий эттиришда фаннинг ролини оширингиз, мутахассислар тайёрлашни яхшилангиз! Яшасин илғор совет фани!

70. Жаҳонда биринчи Ер сунъий йўлдошининг учирилиши жаҳон фани тарихида янги давр очди.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида инсониятнинг мардонавор орзусини амалга оширган совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин социализмнинг меваси бўлган илғор совет фани!

71. Қитъалараро кучли ракетани яратган, Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада оширган совет олимларига, ишчи ва инженерларига қизғин салом!

72. Адабиёт ва санъат ходимлари! Мамлакатнинг маънавий бойликларини кўпайтирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан маҳкам, чамбарчас алоқаси учун!

73. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, мактабларни политехнизациялаш учун курашингиз! Ёш авлодни Совет Ватанига, коммунизм ишига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялангиз!

74. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлаш ишларини яхшилангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишларида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

75. Йигитлар ва қизлар! Улуғ халқимизнинг муносиб фарзандлари, коммунизмнинг толмас қурувчилари бўлингиз!

76. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз! Билимларни қунт ва сабот билан эгаллангиз! Ленининг улуғ иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

77. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XX съездининг қарорларини бажариш учун, СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафларида бўлингиз!

78. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Коммунистик партия билан халқнинг бирлиги—социалистик тузум куч-қудратининг манбаидир, коммунизм қурилишида янги муваффақиятларнинг гаровидир! Яшасин партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги!

79. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

80. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

81. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи—коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитети*

